

Мавзу. Даромадларни қайта тақсимлаш, қамбағаллик ва иқтисодий сиёсат.

1

- Қамбағаллик тушунчаси ва уни аниқлаш мезонлари

2

- Кенг қамровли қамбағаллик индекси ва очлик муаммолари

3

- Давлат бюджети –иқтисодиётни давлат томонидан бошқаришнинг муҳим шакли сифатида.

Аҳолининг турмуш даражаси тушунчаси



Тўкин-сочинлик

(инсоннинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлаб берувчи неъматлардан фойдаланиш)



Меъёрий даража

(инсоннинг жисмоний ва интеллектуал имкониятларини такрор тиклаб беришни таъминловчи илмий асосланган меъёрлар доирасидаги рационал истеъмол)



Камбағаллик

(неъматлардан ишчи кучини такрор ишлаб чиқаришнинг қуйи чегараси доирасида фойдаланиш)



Қашшоқлик

(неъматлардан биологик мезонлар бўйича минимал даражада фойдаланиш)

1-МАҚСАД. ЖАҲОНДА ҚАШШОҚЛИКНИНГ БАРЧА ТУРЛАРИНИ ТУГАТИШ

Қашшоқликда яшаётган кишилар сони сезиларли даражада қисқарди

1999 й. - 1,7 млрд.



2013 й. - 767 млн.



Кунлик яшаш харажатлари **1,90** доллардан ошмайдиган иш билан банд аҳоли улуши 2000-2019 йилларда **28%дан 10%га** қадар қисқарган. Бу кўрсаткич қолоқ мамлакатларда **38%**га тенг.

Ижтимоий ҳимоя тизими билан қамраб олинган ҳимояга мухтож аҳоли гуруҳлари



“Камбағаллик (Poverty)” тушунчаси



БМТ Тараққиёт дастури

“... ижтимоий гуруҳ ёки индивиднинг ҳаёт учун зарур бўлган энг минимал эҳтиёжларини қондира олмаслигининг иқтисодий шароитини акс эттирувчи хусусият”.

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Комиссари бошқармаси

“...иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар, хусусан саломатлик, уй-жой, озиқ-овқат ва тоза ичимлик сувиغا эга бўлиш ва таълим олиш ҳуқуқига тўсқинлик қилади ёки уни тўлиқ чеклайди. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар, жумладан одил судловдан фойдаланиш ҳуқуқи, сиёсий иштирок ва шахс хавфсизлиги кабиларга ҳам шундай таъсир кўрсатади”.



“Камбағаллик (Poverty)” тушунчаси

Дунёда «**камбағаллик**» тушунчасини аниқлашда ягона ёндашув мавжуд эмас. Ушбу соҳада иккита бир хил услубиятга эга халқаро ёки миллий статистик ташкилотларни топиш қийин ва аксарият ҳолларда қўлланилаётган усуллар тубдан фарқ қилади.



Камбағалликни **даромадлар** (абсолют миқдорда) етишмаслиги ёки **пул ва ноашёвий** (субъектив) мезонлар орқали ҳам аниқлаш мумкин. Натижада камбағаллик миқёси қайси усул ва услубиятдан фойдаланилганлигиа боғлиқ ҳолда ўзгариб туради.

Мавжуд тушунчалар ва атамалардан фойдаланиб мамлакатда ҳоҳлаган (керакли) камбағаллик чегарасини белгилаши ва бу кўрсаткични сиёсий мақсадларда ошириши ёки пасайтириши мумкин.

Камбағалликни аниқлаш усуллари тандаш мақсадга боғлиқ



Мамлакатдаги
мутлақ
камбағаллар сони



Уй
хўжаликларининг
кам даромадли
10% қисми



Камбағаллик
чегараси
кўрсаткичига мос
келмаса-да,
ўзларини
камбағал деб,
ҳисобловчилар

Демак, мақсад давлат сиёсатидан келиб чиқиб белгиланиши зарур экан.

Яъни давлат сиёсати мутлақ камбағаллар сонини камайтириш **ёки** кашшоқликни тугатиш **ёки** энг камбағал 10% аҳолига ёрдам беришга қаратилган бўлиши лозим.

Халқаро амалиётда кенг тарқалган камбағалликни аниқлаш усуллари



Камбағаллик, мутлақ (Poverty, absolute) — камбағаллик чегарасидан кам бўлган истеъмол ёки даромад даражасига эга бўлган аҳоли ёки уй хўжаликлари сони



Камбағаллик, нисбий (Poverty, relative) — даромади жамиятда шаклланган стандарт истеъмолга етмайдиган ёки ўртача ёхуд медиана даромад даражасига нисбатан белгиланадиган чегарада яшаётган уй хўжаликлари ва индивидлар



Камбағаллик, субъектив Poverty, subjective — индивиднинг ўзи камбағал эканлигини аниқлайди. Респондентлардан муайян саволларга жавоб бериш талаб этилади (масалан, шахс ўзини камбағал деб ҳисоблайдими). Ижобий жавоб берган иштирокчилар камбағал деб ҳисобланади.

Камбағаллик, депривацион ёндашув (Poverty, deprivation approach)

Бунда муайян меъёрларда қабул қилинган хизматлар ва неъматлар тўпламларининг истеъмолидан маҳрум бўлган индивидлар камбағал деб ҳисобланади.




Депривация — бу иқтисодий (озик-овқат, турар жой, ва ҳ.к.), ижтимоий (соғлиқни сақлаш, таълим ва ҳ.к.) ва бошқа ҳаёт учун муҳим бўлган бошланғич неъматлардан маҳрум бўлишдир.

Камбағаллик тушунчаси нафақат ҳаёт учун зарур бўлган энг кам эҳтиёжларни қондира олмаслик ва даромадларнинг етишмовчилиги, балки сифатсиз овқатланиш, таълим ва соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдалана олмаслик ҳамда муқобил уй шароитларига эга бўлмаслик каби шароитларни қамраб олади.

Кўп ўлчовли камбағаллик индекси (Multidimensional Poverty Index) —

етишмовчиликлар интенсивлигига қараб тузатиш киритилган кўрсаткичлар бўйича камбағал аҳоли улушини белгилаб берувчи индекс. Камбағал одамлар ҳамда камбағал уй хўжаликлари бошидан кечираётган йўқотишларнинг ўртача сонини кўрсатиб берди.

Кенг қамровли камбағаллик, етишмовчиликлар интенсивлиги (Multidimensional poverty, intensity of deprivation) — кенг қамровли

камбағаллик дааражасидаги уй хўжаликлари томонидан бошдан кечирилган етишмовчиликнинг ўртача фоизли кўрсаткичи.

Камбағаллик сабаблари:

иқтисодий (ишсизлик, ижтимоий тенгсизлик, жумладан, иш ҳақи, меҳнат унумдорлигининг пастлиги, тармоқларнинг рақобатбардош эмаслиги);

ижтимоий-тиббий (ногиронлик, кексалик, касалланиш даражасининг юқорилиги);

демографик (тўлиқ бўлмаган оилалар, оилада боқимандалар сонинг кўплиги, аҳоли сонинг кўпайиб бораётганлиги);


таълим ва малака (таълим даражасининг пастлиги, касбий тайёргарликнинг етарли эмаслиги);

сиёсий (ҳарбий низолар, мажбурий миграция);

минтақавий-географик (минтақаларнинг нотекис ривожланиши);

диний-фалсафий ва психологик (дайдилар, ёки тарки дунё қилганлар)

Жаҳон банки мутахассислари фикрича камбағалликни қуйидаги усуллар ёрдамида бартараф этиш мумкин:



Иқтисодий ўсишни таъминлаш
ва жадаллаштириш;

Мавжуд ресурсларни қайта
тақсимлаш

Иккала тадбирни аралаш
қўллаш.

Жаҳон банки мутахассисларининг камбағалликни бартараф этиш бўйича тавсиялари

★ Инфляцияни назорат қилиш (инфляция ижтимоий дастурларга давлат томонидан сарфланаётган харажатларнинг қисқаришига олиб келади);

★ Иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, эркин савдо ва давлат томонидан «сифатли бошқарув»;

★ «Инсон капитали»га (таълим, тиббиёт, болаларни ёшлигидан ривожлантиришни қўллаб-қувватлар) инвестиция сарфлаш;

★ Инфраструктуранинг (масалан, электрлаштириш) ва аҳоли турмуш шароитини яхшилаш;

★ Глобал камбағалликни бартараф этиш ва иқтисодий ўсиш суръатларини жадаллаштириш мақсадида тенгсизлик миқёсини қисқартириш чора-тадбирларини қўллаш.

Камбағаллик чегараси (халқаро даража)

Жаҳон банки

2008 йилга қадар – **1 долл.**

2008-2015 йилларда – **1,25 долл.**

2015 йилдан бошлаб – **1,9 долл.**

Турли ривожланиш даражасига эга мамлакатларни таққослаш мақсадида бир нечта кўрсаткичдан – 2 долл. 2,5 долл. 4 долл. Ва ҳақдан фойдаланилади.

Жаҳон банки томонидан тадқиқотларда камбағаллик чегарасининг қуйидаги турлари қўлланилади:

Қашшоқлик – 1,9 доллардан кам


Мўтадил камбағаллик – 1,9 долл. ва 3,1 доллар ўртасида



THE WORLD BANK
IBRD • IDA | WORLD BANK GROUP

Жаҳон минтақаларида камбағаллар сонининг ўзгариши, млн.

КИШИ



Камбағаллик даражаси, 1,9 долл. (2016 й. ВХК)

		2015	2014	2013	2012	2011	2010	2005	2000	1990
1	Замбия	29,5	-	-	-	-	31,6	-	-	-
2	Бенин	22,4	-	-	-	19,0	-	-	-	-
3	Того	19,9	-	-	-	23,2	-	-	-	-
4	Кот Д'Ивуар	9,0	-	-	-	-	-	-	-	-
5	Гондурас	6,4	6,5	7,7	9,3	7,9	5,4	13,9	-	20,7
6	Боливия	3,4	3,2	3,8	4,8	3,7	-	11,0	19,1	1,4
7	Македония	2,5	2,8	3,5	5,2	6,0	4,3	-	-	-
8	Эквадор	2,2	1,4	1,7	2,5	2,6	2,9	5,7	11,6	-
9	Грузия	2,2	2,9	3,4	5,0	6,2	6,4	5,4	7,5	-
10	Колумбия	2,2	2,3	2,5	2,9	2,5	3,0	3,7	10,8	-
11	Бразилия	2,0	1,7	2,8	2,5	2,9	-	3,9	-	8,2

Камбағаллик даражаси, 3,2 долл. (2016 й. ВХК)

		2015	2014	2013	2012	2011	2010	2005	2000	1990
1	Замбия	44,5	-	-	-	-	48,5	-	-	-
2	Бенин	39,5	-	-	-	38,5	-	-	-	-
3	Того	37,1	-	-	-	40,6	-	-	-	-
4	Кот Д'Ивуар	23,1	-	-	-	-	-	-	-	-
5	Гондурас	14,5	14,6	15,9	17,8	15,2	12,4	22,8	-	34,7
6	Филиппины	9,4	-	-	12,0	-	-	-	13,8	-
7	Индонезия	9,2	10,4	11,6	12,8	13,8	15,3	20,1	31,4	40,8
8	Мьянма	7,9	-	-	-	-	-	-	-	-
9	Грузия	7,8	9,0	10,4	13,5	15,0	16,0	14,3	18,3	-
10	Боливия	6,1	6,0	6,6	8,0	6,8	-	17,5	26,1	7,7
11	Таджикистан	5,2	18,7	20,8	22,1	-	-	-	-	-

Камбағаллик даражаси, 5,5 долл. (2016 й. ВХК)

		2015	2014	2013	2012	2011	2010	2005	2000	1990
1	Замбия	60,0	-	-	-	-	64,3	-	-	-
2	Бенин	59,2	-	-	-	57,7	-	-	-	-
3	Того	56,2	-	-	-	58,7	-	-	-	-
4	Кот Д'Ивуар	43,3	-	-	-	-	-	-	-	-
5	Гондурас	27,9	27,8	29,2	31,2	27,7	24,6	35,9	-	51,3
6	Индонезия	27,4	29,5	31,3	32,9	34,0	36,2	44,1	56,1	62,6
7	Филиппины	26,6	-	-	29,9	-	-	-	32,8	-
8	Мьянма	26,1	-	-	-	-	-	-	-	-
9	Киргизия	23,1	20,9	24,3	22,5	21,4	22,8	38,5	55,4	-
10	Грузия	21,8	22,7	25,2	29,6	31,5	32,7	31,2	37,0	-
11	Таджикистан	18,8	43,3	45,9	47,5	-	-	-	-	-

Камбағаллик чегараси (миллий даража)



Эҳтиёжлар таркиби ва ҳажми: айрим ҳолларда фақат озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжлар, айримларида товарлар ва хизматлар ҳам эътиборга олинади.



Даромадлар таркиби ва ҳажми: пулли даромадлар ёки натура кўринишидаги даромадлар; тўловлар айириб ташланган ёки айирилмаган даромадлар ва б.



Уй хўжаликлари таркиби ва уларнинг ёшига қараб камбағаллик чегарасини белгилаш.

АҚШда камбағаллик чегараси, долл. (2018 йил учун)



Тўрт кишидан
иборат оила
(жами
даромадлари
йилига 25100
долл.)




Уч кишидан
иборат оила
(жами
даромадлари
йилига
20780 долл)



Икки кишидан
иборат оила
(жами
даромадлари
йилига 16460
долл.)



Якка
яшовчилар
(жами
даромади
йилига 12140
долл.)



АҚШда камбағаллик чегараси, 2018 йил учун

Оила аъзолари сони	Йиллик даромад	Ойлик даромад	Кунлк даромад
1	\$ 12140	\$ 1 012	\$ 233
2	\$ 16460	\$ 1372	\$ 317
3	\$ 20780	\$ 1732	\$ 400
4	\$ 25100	\$ 2092	\$ 483
5	\$ 29420	\$ 2452	\$ 566
6	\$ 33740	\$ 2812	\$ 649
7	\$ 38060	\$ 3172	\$ 732
8	\$ 42380	\$ 3532	\$ 815
Қўшимча	\$ 4320	\$ 360	\$ 83

Камбағаллик чегараси (Венгрия тажрибаси)

Яшаш минимуми – 100 га яқин озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда уй хўжаликларининг турли харажатларини ўз ичига олади:

Озиқ-овқат маҳсулотлари қийматидан иборат сават (33%);
Бошқа товарлар ва хизматлар қиймати (67%).

2013 йилда 1 нафар катта ёшдаги кишидан иборат оила учун минимал истеъмол савати ойига 300 еврини ташкил этган



2-МАҚСАД. ОЧАРЧИЛИКНИ ТУГАТИШ, ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИГА КЎМАКЛАШИШ

Очарчиликдан қийналаётган кишиларнинг 2/3 қисми Африканинг Саҳрои Кабиридан жанубда жойлашган мамлакатларда яшайди



Ўсмай қолган болалар

198 млн.

2000 й.

155 млн.

2016 й.



Ортиқча вазнга эга болалар

30

2000 й.

41

2016 й.


2000-2016 йилларда **5** ёшгача ўсмай қолган болалар сони қисқарди, ортиқча вазнга эга болалар сони кўпайди

Жисмоний очлик деганда инсоннинг ҳаёт фаолияти ва меҳнат қилиш қобилиятини тиклаш учун зарур, паст калорияли, витаминлар ва микроэлементлар улуши кам озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш тушунилади. Очлик, сурункали тўйиб овқатланмаслик ҳамда носоғлом овқатланиш ўлим ва кўплаб касалликларга сабаб бўлади.

ФАО мутахассислари ҳисоб-китобларига кўра инсоннинг кунлик овқатланиш нормаси тахминан **2400– 2500 ккал.га** тенг бўлиши зарур. Ушбу кўрсаткич жинс, меҳнат тури, табиий-иқлим шароитлари ва бошқа омилларга боғлиқ ҳолда ўзгариши мумкин. Тўйиб овқатланмаслик **1800 ккал.дан** паст бўлганда, очликнинг «критик чегараси» эса **1000 ккал.дан** бошланади



Жаҳонда **842** млн. нафар
ёки ҳар **саккизинчи**
киши соғлом бўлиш
даражасида тўйиб
овқатланмайди



Ривожланаётган
мамлакатларда ҳар **олтинчи**
бола (**100** млн. нафарга яқин)
етарли вазнга эга эмас



Жаҳонда болаларнинг ҳар тўртинчиси бўй ўсмай қолишдан азият чекмоқда. Айрим ривожланаётган мамлакатларда ушбу муаммо ҳар учинчи болага тегишли

Ривожланаётган мамлакатларда болалар ўлимнинг учдан бири тўйиб овқатланмаслик туфайли юз беради



Очлик

Болалар ўлими

Тўлақонли овқатланиш


Тўлақонли овқатланмаслик



Агар болалар 2 ёшгача
тўлақонли
овқатланишмаса, улар
бир умрга бўй ўсмай
қолиш муаммосидан
азият чекишлари
мумкин



Бола соғлом ўсиши
учун барча зарур
микроэлементларга
эга бўлиши учун бор-
йўғи 25 цент зарур
бўлади



Очлик ва озиқ-овқат хавфсизлиги

Жаҳонда тўйиб оватланмайдиганлар сони:

815 млн. киши:

– Осиё: 520 млн.

– Африка: 243 млн.

– Латин Америкаси ва Кариб хавфзаси: 42 млн.

Тўйиб оватланмайдиганлар улуши: 11%

– Осиё : 11.7%


– Африка: 20% (Шарқий Африка - 33.9%)

– Латин Америкаси ва Кариб хавфзаси: 6.6%

Нотўғри овқатланиш шакллари

- 5 ёшгача бўйи ўсмай қолган болалар сони: 155 млн.
 - Турли даражадаги низолар рўй бераётган ҳудудлардаги сони: 122 млн. киши
- 5 ёшгача вазн етишмаслигидан азият чекаётган болалар сони (вазннинг бўйга мос келмаслиги): 52 млн.
- Вазн ориқчалигидан азият чекаётганлар катта ёшдаги кишилар сони: 641 млн. (катта ёшдаги аҳолининг 13%и)
- 5 ёшгача ортиқча вазнга эга болалар сони: 41 млн.
- Фарзанд кўриш ёшидаги камқонликдан азият чекаётган аёллар сони: 613 млн. киши (33%)


Очарчиликка урушлар ва низолар таъсири



озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишнинг қуйидаги кўрсаткичлари асосида баҳолаш мумкин:

- аҳоли даромадларининг харид қобилиятини баҳолаш: минимал ва ўртача ойлик иш ҳақининг, минимал пенсиянинг яшаш минимумига нисбати:
- агар ушбу нисбатнинг қиймати 1 га тенг бўлса, озиқ-овқат товарларини истеъмол қилиш даражаси минимал истеъмол саватига мос бўлади.
- агар нисбатнинг қиймати 1 дан катта бўлса, озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш даражаси минимал истеъмол саватидан каттароқ бўлади.
- асосий озиқ-овқат маҳсулотларини амалда жон бошига истеъмол қилиниши миқдори.

Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини ошириш



Ўзбекистон Республикаси Президенти 2020 йилнинг охирида “Темир дафтар”га киритилган ҳар бир фуқарони камбағалликдан чиқариш бўйича “мотивация, кўникма ва молиявий кўмак” тамойили асосида янги механизм жорий этилади.

Камбағаллик масаласи кредит, ижтимоий нафақа ёки уй бериш билан ўз-ўзидан ҳал бўлиб қолмайди. Бунинг учун таълим, соғлиқни сақлаш, касб-ҳунарга ўқитиш, ичимлик сув, энергия ва йўл инфратузилмаси билан боғлиқ комплекс муаммоларни ҳал этиб бориш керак.



Ҳар бир туманнинг имконияти ва ривожланиш йўналишидан келиб чиқиб, деҳқончилик билан шуғулланадиган оилаларга 10 сотихдан 1 гектаргача ер майдонлари ажратилади.





- **№3 ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ** — давлатнинг муайян **вақт** (одатда бир **йил**) учун мўлжалланган **пул** даромадлари ва харажатлари мажмуи. Давлат бюджети **давлат** ихтиёридаги пул фондларининг тақсимланишини билдириб, у давлат молиясининг **бош** бўғини ҳисобланади. Давлат бюджети таркибан умумдавлат (ёки марказий) **бюджет** и (**мамлакат** миқёсидаги умумий даромадлар ва **харажатлар** йиғиндиси) вамаҳаллий (муниципал) бюджет (ҳудудий тузилмалар — ўлка, вилоят, **туман** ва ҳ. к. доирасидаги пул даромадлари ва харажатлари) га бўлинади. Икки турдаги бюджетлар нисбати мамлакатнинг ички шароитига боғлиқ бўлади. Давлат жамиятга ижтимоий хизматлар (миллий хавфсизликни таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, ночорларга ёрдам бериш, аҳолига бепул ижтимоий хизматлар кўрсатиш ва б.) кўрсатади ва буларнинг барчаси харажат талаб қилади. Бюджет даромадлари солиқлар, солиқдан **ташқари** йиғимлар, давлат заёмларидан тушган пул, давлат мулк-кини сотишдан ёки ижарага беришдан келган маблағлардан шаклланади. Бюджет даромадининг **аҳоли жон** бошига ҳисобланган миқдори мамлакатнинг бюджет салоҳияти (потенциали) деб юритилади ва бу бюджет даромадининг умумий ҳажмига ҳамда аҳолининг сонига боғлиқ. Бюджет харажатлари унинг даромадидан ортиб кетса, бюджет тақчиллиги, яъни камо-мади юзага келади. Камомад миқдори мамлакат ялпи миллим маҳсулотнинг 3—3,5% га тенг бўлиши меъёрий ҳисобланади. Бюджет камомадининг ғоят ошиб кетиши ва уни **даромад** билан таъминлаш мумкин бўлмаганда бюджет харажатлари қисқартирилади. Марказий, маҳаллий Давлат бюджети **лари** ва Давлат бюджетидан ташқари фондлар (давлатнинг муайян мақсадли фондлари, махсус мақсадли солиқлар, заёмлар, бюджетдан субсидиялар ҳисобига яратиладиган махсус фондлар) йиғиндиси давлатнинг йигма бюджетини ташкил этади. Давлат бюджети, одатда, жорий йилда келгуси йил учун тузилади. Иқтисодий беқарорлик шароитида у **чорак** ёки ярим йилга тузилиши ҳам мумкин. Давлат бюджетини ҳуку-мат тузади ва юқори **қонун** чиқарувчи **орган** (**парламент**) томонидан тасдиқланади

2021 ЙИЛ УЧУН ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИНИНГ ПРОГНОЗИ

2021 йилда Давлат бюджети даромадларининг таркибида бюджетга тушаётган умумий тушумларнинг 42,4 фоизини таъминловчи билвосита солиқлар улуши ошиб бормоқда.

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИНИНГ ТАРКИБИ, МЛРД СЎМ



- Фойда солиғи
- Кўшилган қиймат солиғи
- Мол-мулк солиғи
- Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ
- Айланмадан олинадиган солиқ
- Акциз солиғи
- Ер солиғи
- Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи
- Божхона божи
- Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ
- Бошқалар

2022 йилда бюджет харажатлари ЯИМга нисбатан 33% миқдорида бўлиши прогноз қилинмоқда

:

- 2022 йилги консолидациялашган бюджет харажатлари 277,2 трлн сўм ёки ЯИМга нисбатан 33% миқдорида бўлиши прогноз қилинмоқда. Ҳисоб палатаси келгуси йилда аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурларини молиялаштириш учун 2,1 трлн сўм субсидиялар ажратишни тавсия қилди. 2022 йил учун 1 АҚШ долларининг йиллик ўртача алмашув курси 11 321 сўмга прогноз қилинди.
- 2022 йилги консолидациялашган бюджет харажатлари 277,2 трлн сўм ёки ЯИМга нисбатан 33% миқдорида бўлиши прогноз қилинмоқда. Бу ҳақда 2022 йил учун давлат бюджети қонуни лойиҳаси ва бюджетнома бўйича Ҳисоб палатасининг хулосасида [маълум қилинди](#).
- Маълум қилинишича, келгуси йилда давлат бюджети харажатлари 177,7 трлн сўмни (Давлат мақсадли жамғармаларига ўтказиладиган трансфертлардан ташқари), давлат мақсадли жамғармаларининг харажатлари 58 трлн сўмни ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси харажатлари 14,8 трлн сўмни (Давлат мақсадли жамғармаларига ўтказиладиган трансфертлардан ташқари) ташкил этади.
- Қонун лойиҳасида тақдим этилган маълумотлар таҳлил қилинганда, 104 та давлат ОТМлари учун давлат бюджетидан жами 3 трлн 640,9 млрд сўм ажратиш режалаштирилган бўлиб, шундан 51 таси бўйича 2 трлн 378 млрд сўми (65 фоизи) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига ажратилаётган маблағлар таркибида, қолган 53 таси бўйича деярли 1 трлн 263 млрд сўми (35 фоизи) 16 та соҳавий вазирлик ва идораларга ажратилаётган маблағлар таркибида акс эттирилмоқда.:
- Ҳисоб палатаси томонидан 2021 йилда рўйхатга олинган харажатлар сметаларини таҳлил қилиш, ортиқча режалаштирилган маблағларни мақбуллаштириш имкониятлари юзасидан танқидий кўриб чиқиш жараёнида Мактабгача таълим вазирлигига ажратилган 158,8 млрд сўм маблағлардан 101,1 млрд сўми фойдаланилмаганлиги сабабли, мақбуллаштирилди.
- Қонун лойиҳасида Мактабгача таълим вазирлигига 2021–2022 ўқув йилида 5 132 та тайёрлов гуруҳлари ва 4 768 та хона ташкил этиш учун жами 166,8 млрд сўм маблағ режалаштирилган.
- «Бюджетномада 2022 йилда бюджет муассасаларида ишловчи ходимларнинг иш ҳақи индексацияси (7%) кутилаётган инфляция даражасидан (9,0 фоиз) паст миқдорда белгиланаётганлиги, жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи ставкалари 10 фоизга, электр энергияси 33 фоизга, табиий газ 21 фоизга, иссиқ сув ва иссиқлик энергияси 21 фоизга, совуқ сув ва канализация 33 фоизга оширилиши кутилмоқда», — дейилади Ҳисоб палатаси хулосасида.

2022 йилда бюджет харажатлари ЯИМга нисбатан 33% миқдорида бўлиши прогноз қилинмоқда

:

- 2022 йилги консолидациялашган бюджет харажатлари 277,2 трлн сўм ёки ЯИМга нисбатан 33% миқдорида бўлиши прогноз қилинмоқда. Ҳисоб палатаси келгуси йилда аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурларини молиялаштириш учун 2,1 трлн сўм субсидиялар ажратишни тавсия қилди. 2022 йил учун 1 АҚШ долларининг йиллик ўртача алмашув курси 11 321 сўмга прогноз қилинди.
- 2022 йилги консолидациялашган бюджет харажатлари 277,2 трлн сўм ёки ЯИМга нисбатан 33% миқдорида бўлиши прогноз қилинмоқда. Бу ҳақда 2022 йил учун давлат бюджети қонуни лойиҳаси ва бюджетнома бўйича Ҳисоб палатасининг хулосасида [маълум қилинди](#).
- Маълум қилинишича, келгуси йилда давлат бюджети харажатлари 177,7 трлн сўмни (Давлат мақсадли жамғармаларига ўтказиладиган трансфертлардан ташқари), давлат мақсадли жамғармаларининг харажатлари 58 трлн сўмни ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси харажатлари 14,8 трлн сўмни (Давлат мақсадли жамғармаларига ўтказиладиган трансфертлардан ташқари) ташкил этади.
- Қонун лойиҳасида тақдим этилган маълумотлар таҳлил қилинганда, 104 та давлат ОТМлари учун давлат бюджетидан жами 3 трлн 640,9 млрд сўм ажратиш режалаштирилган бўлиб, шундан 51 таси бўйича 2 трлн 378 млрд сўми (65 фоизи) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига ажратилаётган маблағлар таркибида, қолган 53 таси бўйича деярли 1 трлн 263 млрд сўми (35 фоизи) 16 та соҳавий вазирлик ва идораларга ажратилаётган маблағлар таркибида акс эттирилмоқда.:
- Ҳисоб палатаси томонидан 2021 йилда рўйхатга олинган харажатлар сметаларини таҳлил қилиш, ортиқча режалаштирилган маблағларни мақбуллаштириш имкониятлари юзасидан танқидий кўриб чиқиш жараёнида Мактабгача таълим вазирлигига ажратилган 158,8 млрд сўм маблағлардан 101,1 млрд сўми фойдаланилмаганлиги сабабли, мақбуллаштирилди.
- Қонун лойиҳасида Мактабгача таълим вазирлигига 2021–2022 ўқув йилида 5 132 та тайёрлов гуруҳлари ва 4 768 та хона ташкил этиш учун жами 166,8 млрд сўм маблағ режалаштирилган.
- «Бюджетномада 2022 йилда бюджет муассасаларида ишловчи ходимларнинг иш ҳақи индексацияси (7%) кутилаётган инфляция даражасидан (9,0 фоиз) паст миқдорда белгиланаётганлиги, жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи ставкалари 10 фоизга, электр энергияси 33 фоизга, табиий газ 21 фоизга, иссиқ сув ва иссиқлик энергияси 21 фоизга, совуқ сув ва канализация 33 фоизга оширилиши кутилмоқда», — дейилади Ҳисоб палатаси хулосасида.

Аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурларини молиялаштириш

- Шунингдек, давлат бюджетида аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурларини молиялаштириш учун 2022 йил учун **1 трлн 849 млрд сўмдан кўпроқ** субсидия маблағлари ажратилиши кўзда тутилган. Янги тартиб доирасида ипотека кредитлари учун ресурслар халқаро молия ташкилотларидан жалб этилган маблағлар ҳисобидан ажратилади.
- Хулосада айтилишича, Осиё тараққиёт банки экспертларининг хулосаларига (2018 йил июль ойида берилган) асосан аҳолини уй-жой билан таъминлаш учун кейинги 25 йил давомида йилига 145 000 та уй-жойлар қурилиши лозим.
- Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ҳисоб палатаси томонидан ушбу субсидия маблағлари таҳлил қилган ҳолда 2022 йил бюджет лойиҳасида аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурларини молиялаштириш учун **2,1 трлн сўм (250,3 млрд сўм қўшимча)** субсидиялар ажратилиши тавсия этилди.
- 2022 йилда 25 676 та фуқароларга квартира сотиб олиш учун ипотека кредити бўйича бошланғич бадал ва фоиз тўловларини бир қисмини қоплаш учун қарийб 1 трлн 524 млрд сўм;
- 2 900 та фуқароларга яқка тартибдаги уй-жой қурилиши учун ажратилган кредитлар бўйича фоиз тўловларини бир қисмини қоплаш учун 53,6 млрд сўм;
- 2020 ва 2021 йилларда тўлаб берилган субсидияларнинг фоиз тўловлари учун 17 808 та фуқароларга 357,9 млрд сўм,
- 7 352 та ҳарбий хизматчиларга ажратилган ипотека кредитлари бўйича фоиз тўловларни бир қисмини қоплаш учун 164,5 млрд сўм.

Аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурларини молиялаштириш

- Шунингдек, давлат бюджетида аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурларини молиялаштириш учун 2022 йил учун **1 трлн 849 млрд сўмдан кўпроқ** субсидия маблағлари ажратилиши кўзда тутилган. Янги тартиб доирасида ипотека кредитлари учун ресурслар халқаро молия ташкилотларидан жалб этилган маблағлар ҳисобидан ажратилади.
- Хулосада айтилишича, Осиё тараққиёт банки экспертларининг хулосаларига (2018 йил июль ойида берилган) асосан аҳолини уй-жой билан таъминлаш учун кейинги 25 йил давомида йилига 145 000 та уй-жойлар қурилиши лозим.
- Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ҳисоб палатаси томонидан ушбу субсидия маблағлари таҳлил қилган ҳолда 2022 йил бюджет лойиҳасида аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурларини молиялаштириш учун **2,1 трлн сўм (250,3 млрд сўм қўшимча)** субсидиялар ажратилиши тавсия этилди.
- 2022 йилда 25 676 та фуқароларга квартира сотиб олиш учун ипотека кредити бўйича бошланғич бадал ва фоиз тўловларини бир қисмини қоплаш учун қарийб 1 трлн 524 млрд сўм;
- 2 900 та фуқароларга яқка тартибдаги уй-жой қурилиши учун ажратилган кредитлар бўйича фоиз тўловларини бир қисмини қоплаш учун 53,6 млрд сўм;
- 2020 ва 2021 йилларда тўлаб берилган субсидияларнинг фоиз тўловлари учун 17 808 та фуқароларга 357,9 млрд сўм,
- 7 352 та ҳарбий хизматчиларга ажратилган ипотека кредитлари бўйича фоиз тўловларни бир қисмини қоплаш учун 164,5 млрд сўм.